

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

МИРОБ ФЕНОМЕНИ ЁКИ СУФОРИШ ТИЗИМИ ТАРИХИГА НАЗАР

Зарипов Одил Олимжонович,
мустақил тадқиқотчи

For citation: Odil O. Zarirov. Phenomenon of mirab or a look at the history of the irrigation system. 2019, vol. 1, issue 12, pp. 4-10.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-12-01>

Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада суфформа деҳқончиликда адолатли сув тақсимотини бошқарган мироблик вазифаси тарихи, унинг Ўрта Осиёнинг турли тарихий жараёнларида тутган ўрни ва аҳволи тадқиқ қилинган. Туркистон Россия империяси томонидан эгаллангандан сўнг ҳам миробнинг сув хўжалиги бошқарув тизимининг асосий бўғини сифатида ўлка ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки тарихий маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек унинг ҳозирги кунда ҳам мустақил Ўзбекистон сув бошқарув тизимида муҳим ўрин эгаллагани кўрсатиб ўтилган.

Калитсўзлар: мироб, миробона, Туркистон генерал-губернаторлиги, сувхўжалиги бошқаруви, сувтақсимоти, ариқоқсоқоли, тўғончи, жўйбон.

ФЕНОМЕН МИРАБА ИЛИ ВЗГЛЯД НА ИСТОРИЮ СИСТЕМЫ ОРОШЕНИЯ

Зарипов Одил Олимжонович,
Самостоятельный соискатель

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследована история мираба как ключевого звена в системе орошения и справедливого распределения воды в орошаемом земледелии. Рассмотрено его роль и положение в различных исторических процессах Центральной Азии. Проанализировано активное участие мираба в социально-экономической и политической жизни Туркестана во время правления Российской империи и что он и в настоящее время занимает важное место в системе управления водным хозяйством независимого Узбекистана.

Ключевые слова: мираб, миробона, Туркестанская генерал-губернаторства, администрация водного хозяйства, водораспределение, арык аксакалы, туганчи, джуйбаны.

PHENOMENON OF MIRAB OR A LOOK AT THE HISTORY OF THE IRRIGATION SYSTEM

Odil O.Zaripov,
independent applicant

ANNOTATION

This article explores the role and condition of mirab in various historical processes in Central Asia. The article analyzes the active participation of Mirab in the socio-economic and political life of the country as a key element of the water management system after the conquest of Turkestan by the Russian Empire and that it currently occupies an important place in the water management system of independent Uzbekistan.

Keywords: mirab, mirobona, Russian Turkestan, water administration, water supply, aryk aksakals, tuganchi, juybans.

Туркистон ўлкасида деҳқончилик маданияти қадим замонлардан буён сунъий суғоришга асосланган. Деҳқончиликнинг вужудга келиши, суғориш тармоқлари ҳамда сув иншоотларининг барпо этилиши, сув хўжалигининг ривожланиши — булар ўзаро чамбарчас боғлиқ ва бир-бирини тақозо этган тарихий жараёнлар ҳисобланади. Айниқса, Туркистон ўлкасининг жазирама иқлим шароитида деҳқончилик маданияти сунъий суғоришга бевосита боғлиқ эди. Бу ҳудуд асосан деҳқончилик ўлкаси бўлганлиги учун сунъий суғориш унинг иқтисодий ҳаётининг ўзагини ташкил этади [5, С.1]. Шу туфайли асрлар давомида ўлкада суғориш тизимлари пайдо бўлиб, ривожланиши билан бир қаторда уларни бошқариш тизими ҳам такомиллашиб келган. Сув тақсимоти

муносабатлари, уни тартибга солиш, сувни адолатли тақсимлаш каби масалалар ғоят долзарб аҳамият касб этарди.

Россия империяси Туркистонни мустамлакага айлантирганидан сўнг, ўлкада барча соҳаларда бўлгани каби сув хўжалиги соҳасида ҳам мавжуд тизимни ўрганиш ва уни империя манфаатларига бўйсундиришни кўзларди. Шу сабабдан ўлкани бошқариш тўғрисидаги қабул қилинган низом ва қонунларда сув хўжалиги ва суғориш ишларини юргизишни кўл остига олиш рус маъмуриятининг эътиборидан четда қолмади.

Мазкур мақолада биз Ўрта Осиё хонликлари мисолида суғориш ишлари ва сув тақсимоли тизимининг асосий бўғини бўлган ҳатто рус маъмурий бошқарув тизимида ҳам ўзининг мавқеини сақлаб қолган мироблик лавозими, унинг тарихи, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрнини ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

Мироб - сув тақсимоли ва суғориш тармоқларини назорат қилувчи шахс. Қадимдан Ўрта Осиёда дарё водийлари ва деҳқончилик воҳаларида суғориш тармоқларининг бош тўғонларини тиклаш, соҳиллар бўйлаб дамбалар ўрнатиш, суғориш тармоқларини лойқадан тозалаш, сувни навбат билан тақсимлаш, ортиқча сув ва захобларни захкашлар орқали партовларга чиқариб юбориш каби барча сув хўжалиги ишлари ирригация ва мелиорацияни яхши билган тажрибали соҳибкорлар бошчилигида амалга оширилган [9, С.611]. Ўрта Осиё хонликларида махсус мироблик лавозимлари бўлган. Масалан, Бухоро ва Хива хонликларида XVI – XVII асрларда бош вазир (оталиқ), давлат назоратчиси (мироҳўр) каби олий мансабдор шахслар хонликнинг бош мироби унвонига эга булишган. Мироблар маъмурий бошқарув тизимида хусусий ер эгалигини бошқарган ва хусусий ерлардан давлат солиқлари йиғимини ташкил қилган амлоқдорларга бўйсунган. Бош суғориш тармоғи - каналдан асосий суғориш тармоқлари (катта ариқлар)га мироббоши, катта ариқлардан қишлоқ ариқларига ариқ оқсоқоли («арбоб»), қишлоқ ариқларидан шоҳ-арик ва даҳаналарга қишлоқ мироби («жўйбонлар») сув тақсимолига масъул бўлган.

Мироблик лавозимининг хонликлар даврида Ўрта Осиё жамиятида тутган мавқеини атоқли шоирлар Мунис Хоразмий ва Муҳаммад Ризо Огаҳийларнинг ушбу лавозимда фаолият кўрсатганлигида кўриш мумкин. Улар ҳатто ўзларининг ижодларида мироб номини кўшиб ёзганлар [11, С.15]. Мунис Хоразмий мироблик тажрибасидан келиб чиқиб ўз давридаги суғориш иншоотлари ва ер-сув муносабатларига доир “Арналар” (арна - анҳор, канал) номли рисола ҳам ёзган.

Мироблик авлоддан-авлодга ўтган. Туркистонда яшаб рус-тузем мактабида ўқитувчилик қилган, биринчи рус-ўзбек луғатини тузган ўлка

халқлари этнографиясини ўрганган рус тадқиқотчиси В.Наливкин миробликнинг оилавий касблиги тўғрисида қизиқ маълумот келтиради: “Собиқ Наманган вилоятида қизиқ воқеа юз берган эди. 25 йил олдин бу ерда халқда “Хол Мироббоши” номи билан танилган Холбиби исмли аёл вафот этди. Унинг турмуш ўртоғи Хўжабек-мироб ариқлардан сув тақсимотини бошқарган Наманган вилояти миробларининг бошлиғи мироббоши эди. Эрининг ҳаётлигидаёқ нафақат одатий ҳуқуқни (сувдан фойдаланиш ҳуқуқи - О.З.) балки маҳаллий ирригация тизимининг икир-чикирлари билан яхши таниш бўлган, бақувват, ғайратли ҳеч кимга йўл бермайдиган Холбиби доимо эрининг ишларида фаол иштирок этган. Хўжабекнинг вафотидан сўнг, ёши қирқларга борган Холбиби эркаклар кийимини кийиб, этикда, салла ва камарни боғлаб наманганликларни уни ўзларининг мироббошиси эканлигини тан олишларига мажбур қилгач, эрининг лавозимини эгаллади ва умрининг охиригача лавозим вазифаларини адо этди. Унинг хонлик саройига йўл очиб берган ўғли Саримсоқхон эса натижада Наманган вилояти ҳокимлиги лавозимигача кўтарилди” [4, С.159].

Мироб лавозими фақатгина Ўрта Осиё ҳудудига тегишли тушунча эмас, ушбу лавозим Эрон ва Кавказ ўлкаларида ҳам “мироб” номи билан аталган. Эронда қадимдан халқ томонидан сайланадиган мироб касби бўлиб у ҳам Ўрта Осиёдаги ҳамкасби каби одилона сув тақсимоти билан шуғулланган [12, С.253]. Эрон миробларининг суғориш вақти ва сув сатҳини ўлчовчи махсус соат - асбоби ҳам бўлиб, у ҳозиргача эронлик мироблар томонидан сув ўлчашда фойдланилади(1). Бундай асбобнинг Туркистон миробларда бўлганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас. XIX асрда Россияда тузилган машҳур Брокгауз ва Ефрон қомусий луғатида: “мироб (мир — хўжайин, об — сув) — Кавказорти татар-арман вилоятларида суғориш сувини бошқарадиган ва уни қишлоқлар ўртасида тақсимловчи сайлаб қўйиладиган шахс. Ўрта Осиё хонликларида ҳукумат миробга экин майдонлари ва ҳосилнинг миқдорини ҳамда уларга қўйилган давлат солиқларинг йиғимини топширган” [8, С.413] — деб таъриф берилган. Бундан рус маъмурларининг Туркистонни эгаллашидан олдин ҳам мироб лавозими ва унинг вазифалари тўғрисида маълумотга эга бўлганлар, деб хулоса қилиш мумкин.

Ўрта Осиёда рус ҳукуматининг сув хўжалиги соҳасида олиб борган сиёсати асосида ўлка забт этилгунга қадар мавжуд бўлган сувдан фойдаланиш қоидалар “одатлари”ни сақлаб қолиш мақсади [2, С.260] рус



Туркистон миробининг
кўкрак белгиси

маъмурларининг ўлкани бошқаришга доир қабул қилган қатор юридик ҳужжатларида ўз аксини топди. Бундай ҳужжатларнинг биринчиси 1877 йилда генерал-губернатор К.П.Кауфманнинг “Туркистон ўлкасида ирригацияга оид муваққат қоидалар”и чиқарилди ва унда “Ирригатор ҳисобида ер ўлчовчи ва маълум миқдордаги ариқ оқсоқоллари, мироблар ва тўғончилар бўлиши керак” [1, С.155] деб белгиланган. Бу қоидалар билан Туркистондаги сув бошқаруви тўлиқ рус ҳукумати кўлига ўтган эди. 1886-йил 12-июлда император Александр III тасдиқлаган “Туркистон ўлкасини идора қилиш тўғрисидаги Низом”нинг 107-моддасида “Асосий суғориш каналларининг бошқаруви ариқ оқсоқолига, иккиламчи суғориш каналларининг бошқаруви миробларга юклатилади. Ариқ оқсоқоли – ҳарбий губернатор томонидан тайинланиб, унга давлат ҳисобидан волост бошқарувчиси иш ҳаққидан юқори бўлмаган даражада маош белгиланди. Мироблар эса – қишлоқ йиғини томонидан сайланади...уларга маош миқдори ва тўлови белгилаш уни сайлаган жамоа ихтиёридадир” [6, С.107 модда] – деб белгиланиб, миробнинг янги ҳукумат бошқарувидаги вазифалари қонуан мустаҳкамланди.

Тадқиқотчи Г.Н.Черданцевнинг таъкидлашича, Туркистон генерал-губернаторлигида мироблар бутунлай уни сайлаган жамоа измида эди. Айнан шу жамоа миробнинг иш ҳаққини тайинлар ва тўларди. Кўпгина аниқ ва жиддий вазифалар, уларни бажариш масъулияти бўлишига қарамасдан, миробнинг ҳуқуқлари ноаниқ, кафолатланмаган ва чекланган эди. Шу сабабдан хизмат вазифасини бажариш чоғида махсус белгили кийим кийиши ҳам унинг ҳуқуқини кафолатлай олмаган [7, С.26]. Хонликлар даврида эса мироббоши хизмат ҳақи учун давлат хазинасидан маош олгандан ташқари, ҳар кузда деҳқонларнинг ҳосили ҳисобидан 1- 2 ғалвир ғалла («миробона») ундирар эди [2, С.389].

Аҳоли ўртасидаги суғориш масалалари билан боғлиқ содир бўладиган тўқнашувлар ва келишмовчиликларнинг барчаси айнан шу расмий шахс томонидан тартибга солиниши лозим эди. Черданцев миробнинг Туркистон жамиятидаги юқори мавқеини таърифлаб, “бу лавозим қоғоз орқали таъсир кўрсатмайди, балки, ҳаётдаги кундалик тўқнашувлар билан дуч келадиган ҳақиқий маъмурий бошқарув бўғинидир. Ҳанузгача мироблар тўғрисидаги низом ишлаб чиқилмаган ва бу низом шу ерда, Тошкентда ишлаб чиқилиши керак” – деб таъкидлайди [7, С.26].

XIX аср охири ва XX аср бошларида жаҳонда юз берган илм-фан тараққиёти ва саноатнинг ривожланиши ирригация соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Туркистонга ирригация ва мелиорация соҳаси олимлари, гидротехник муҳандислар жалб қилиниб, ўлкада янги гидротехник иншоотлар, сув истехкомлари, тўғонлар ва каналлар барпо этил-

ди, чўл ҳудудлари ўзлаштирилди. Сув хўжалиги маъмурий бошқарув тизимида ҳам соҳа мутахассислари бўлган ирригация мудири, бош гидротехник, гидротехник муҳандис каби янги лавозимлар жорий қилинди. Шундай бўлсада, рус маъмурлари маҳаллий аҳолининг суғориш анъаналари билимдонлари бўлмиш миробларнинг хизматларидан фойдаланишдан воз кечмади. Мисол учун, Тошкент атрофидаги Захарик ирригация тизимида 40 нафар, Чирчиқ чап қирғоғи ирригация тизимининг ўзида 99 нафар мироб фаолият кўрсатган [2, С.296]. Совет ҳокимиятининг илк даврларида Туркистонда жами 7103 нафар мироб ўз қишлоқ йиғинлари ҳисобидан ишлаган [3, С.10].

Миробларнинг Туркистон ўлкасида кечган сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этганликларини қўйидаги маълумотларда кузатишимиз мумкин. 1916 йил Туркистон вилоятларида Россия империясининг мустамлакачиқ сиёсатига қарши халқ кўзғолонлари содир бўлди. Кўзғолончиларнинг асосий шиори подшоҳ мустамлакачилик зулмига қарши курашиш бўлиб, улар нафақат ўлкадаги мустамлакачиларни балки рус маъмуриятининг маҳаллий вакиллари бўлмиш – оқсоқол, элликбоши, миробларни йўқ қилишга қаратилди [2, С.435]. Мисол учун, 1916 йил 10 июлда Кўҳна Марғилонда юз берган кўзғолонда бир оқсоқол, уч мироб ва бир нафар миршаб ўлдирилди [2, С.432].

Юқорида келтирилган маълумотлар миробнинг рус бошқарув маъмурияти тизимида мустақкам ўрнашиб, жамиятнинг ҳаётида муҳим рол ўйнаган мансаб бўлганини кўрсатади.

Шундай қилиб, ўзининг узоқ тарихий йўлида сиёсий ҳокимият ва даврларнинг ўзгаришини бошидан кечирган мироб лавозими ўз мавкеи ҳамда аҳамиятини сақлаб қолди. Суғорма деҳқончилик ўлка иқтисодиётининг асосини ташкил қилган Туркистонда жамият ижтимоий ҳаётининг ўзгармас феноменига айланди.

Мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий барча йўналишларда бўлгани каби, суғорма деҳқончилик, шу жумладан ирригация тизими, сув таъминоти каби соҳаларда ҳам тарихий қадриятларимиз ва анъаналаримиз янгича мазмун касб этиб, ҳаётимизда муҳим рол ўйнамоқда.

Ҳозирги Ўзбекистон қонунчилигида мироб - ариқ-дренаж тизимида сув беришни тартибга солувчи киши сифатида белгиланганлигини, унинг ҳозирги кунда ҳам қишлоқ хўжалиги ҳаётидаги муҳим ўрни борлигини кўрсатади [10, 5 илова]. Бу тизим тарихини, мироб феноменини ўрганиш бўлажак ирригация ва гидротехника соҳасида етук ва жаҳон андозаларига мос рақобатбардош кадрларни тарбиялашда амалий жиҳатдан муҳим ўрин эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и в настоящем. Исторический очерк. –Ташкент, 1912. (Dobrosmyslov A. I. Tashkent in the past and in the present. Historical essay. –Т, 1912.)

2. История народов Узбекистана Т. 1,. – Ташкент, 1950. (History of the peoples of Uzbekistan Vol. 1,. –Т,1950.)

3. Кипшакбаев Н.К. Водному хозяйству Туркестана 100 лет // Водные ресурсы и водопользование. П.: 2018.- № 10. (Kipshakbayev N. K. water economy of Turkestan 100 years / / Water resources and water use. P.: 2018. - No. 10.)

4. Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. К.: 1886. (Nalivkin V., Nalivkina M. an Essay on the life of a woman of the settled native population of Fergana. K.: 1886.)

5. Пален К.К. Орошение в Туркестане. СПб.: 1910. (Palen K. K. Irrigation in Turkestan. SPb.: 1910.)

6. Свод Законов Российской Империи. В пяти книгах. Книга первая. Тома 1-3. Том 2. СПб.: 1912. – С.427-446. (Code Of Laws Of The Russian Empire. Five books. Book one. Volumes 1-3. Volume 2. SPb.: 1912. –P. 427-446.)

7. Черданцев Г.Н. Водное право Туркестана в его настоящем и проектах ближайшего будущего. – Т.: 1911. (Cherdantsev G. N. water law of Turkestan in its present and near future projects. –Т.: 1911.)

8. Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона: Том XIX: Мекенен - Мифу-Баня. СПб.: 1896. (Encyclopedic dictionary Brockhaus and Efron: Volume XIX: Makinen - Myth-Bath. –SPb.: 1896.)

9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. М ҳарфи. –Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2000-2006. (National Encyclopedia of Uzbekistan. The letter M. State Scientific Publishing House" National Encyclopedia of Uzbekistan". –Т.: 2000-2006.)

10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 354-модда; 2013 й., 44-сон, 581-модда, 5-илова. (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2009, Num. 30-31, article 354; 2013 y., Number 44, article 581, Appendix 5.)

11. Shir Muhammad Mirab Munis, Muhammad Riza Mirab Agahi. Firdaws al-iqbal: History of Khorezm / transl. Chagat; annot by Yu. Bregel. Leiden; Boston; Koln: Brill, 1999.

12. Sir John Chardin. Travels in Persia, 1673-1677. Courier Corporation., NY.: 1988.

1. <https://fa.wikipedia.org/wiki/ميرآب>